

# ТОНГЮЛАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмиirlарининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 80 (6821)  
1997 йил, 15 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Биз, жонажон республикализ мустақиллиги шарофати билан сизнинг иқтидорли ёшлиарни қўллаб-қувватлаш тұрғисида, «Умид» жамгармасини тузиш тұрғисидаги фармонлариниз ҳамда гўзал диёризиз ёшлиарининг илм-фанинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илгор мамлакатлар ёшлиарни билан беллаша оладиган дараражада билим олишида курсатаётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни хисқилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозларимиз ёрдамида жаҳон фан олимпиадаларида она Ўзбекистонимиз шарафини муносаб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикализ мактабларининг 33 нафар тенгдош ўқувчилари биргаликда Аргентина, Голландия, Грузия, Польша, Чехия ва Словакия, Турция мамлакатларида математика, физика, биология, киме ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олимпиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар курсатган 12 нафар 11-синф ўқувчилари сизнинг фармонингизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз — имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қатнашчилар умумтаълим мактабларидаги ўқишини давом эттирумокдалар.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусобақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаёттанимизни бирлашса ҳам ёддан чиқармадик. Зоро, олим-

пиада топшириқларини ечиш жараённида қаршимизда турган гўзл байробимиз ортимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умумхалқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам, билишимида, дунёда фақат бизнинг мамлакатимиздагина ўтказилди ва у зур кўтаринкилик вазиятида нишонланди. Тошкентда булганимизда муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейида, санъат ва маданият кошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гузал пойтахтимиз борлигидан фаҳрандик, қалбимиз гурурга тулди.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич! Мамлакатимиз ёшлиарига курсатаётган ғамхўрлигингизни

биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз. Буғамхўрлик ва яратилаётган шароитларга муносаб маънавий стук, маърифатли, зукко ва фидойи фарзандлар булишга суз берамиз.

Бахтимизга доимо сог-саломат бўлинг.

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро олимпиадаларда иштирок этган ва голиб чиқкан бир гурух ўқувчилар —**  
**Файзула ШОИСМАТОВ,**  
**Шерзод МАДРАҲИМОВ,**  
**Фарруҳ КОРАБОЕВ,**  
**Константин СТРОКОВИЧ,**  
**Ҳаёт ҲАЛИЛОВ,**  
**Шахриёр ТУРҒУНОВ,**  
**Ориф МЕЛИБОЕВ, Игорь ИВАНОВ, Алишер РАҲМОНОВ, Евгений КИМ, Павел МАНЕНКОВ, Каҳрамон АСЛОНОВ, Нодирбек ҲУСАИНОВ**



## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармойишига кўра, қишлоқ ҳужалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил қилинди. 7 октябрь куни мазкур комиссиянинг дастлабки югалиши бўлди. Унда қатнашган юртбошимиз қишлоқ ҳужалигидаги ўзгариш — бутун ҳаётимизни ўзgartаришини алоҳида таъкидлadi.

Шунингдек, ўтган ҳафта «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тұрғисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳам матбуотда эълон қилинди.

## ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ БУЮК БРИТАНИЯ МАДАНИЯТИ КҮНЛАРИ

Ўтган ҳафта пойтахтимиз Тошкентда Буюк Британия маданияти күнлари бўлиб ўтди. Буюк Британия савдо ва саноат департаменти ҳамда мазкур мамлакатни Узбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу фестиваль дастуридан Британия компанияларининг савдо кўргазмаси, савдо ва саноат бўйича Узбекистон-Британия Кенгашининг навбатдаги мажлиси, шунингдек, Англия меъморчилик буюмлари, кинофильмлари томошаси ва шу каби қатор бошқа қизиқарли тадбирлар урин олди. 12 октябрга қадар давом ўтган фестиваль юртдошларимизга бутунги Буюк Британия билан яқиндан танишиш имконии берди.

## РАҲМАТ, БОБОЖОН!

Биз машҳур Турсуной Охунованинг набираларимиз. Бобом: «Сизларнинг қадди-бастингизни раҳматли Турсуной бувинилар кўрганларида боши ўзи уйған пахта хирмонидан ҳам юксалиб кетарди», — дейдилар.

Афсуски, эрта машҳур булган бувимлар ҳаётдан эрта кетдилар. Аниқроғи, мустабид тузумнинг соҳта ташвиқотнинг қурбони бўлдилар. Бобом бувимнинг дарди енгил эмаслигини куриб: «Турсуной бу йил пахта термай қўя қолсин», — деб айтганларида, — нега бизнинг байробимиздан айрмоқчисиз? Турсуной давримизнинг байробигу», — деб уришиб беришган экан.

Бобомиз Султон Шерматов 30 ёшлиарida катта колхозга раис булганлар.

Совхоз директори булиб чўлда ер очиб, қақроқ ерларга насос ёрдамида сув чиқарганлар. Сув омбори курилишида қатнашиб чўлни бўстон қилганлар. Мехнат фаолиятлари давомида кўплаб паҳтакорлар оғирини енгил қилишга, аёлманд оиласлар қаддини тиклашга ёрдам берганлар. Шу кунларда ҳам нафақадаман, деб қараб утирмайдилар. Мактабимизга чиқиб, бизнинг ўқишимиз билан қизиқадилар. Яқинда синфимиздаги икки аълочи ўқувчини «Тонг ўлдузи»га йиллик обуна ҳам қилдириб бердилар. Камхарж оиласларга доим ёрдам берадилар. Маҳадладагилар ҳам бобомизни жуда ҳурмат қилишади. Беш фарзандини шифокор, мухандису ҳуқуқшунос қилиб етказган Султон акадан иб-

рат олинглар, набираларини ҳам ўқитяпти. Энг асосийси, фарзандларининг ўзи каби халқпарвар қилиб етиштияпти, деб гапиришади. Бундай суҳбатларни тенгдошларимизнинг муомаласидан илғаб оламиз. Очиги, яқинларинг ҳақида ўзгалир мақтov сўзлари айтишига, ҳаммага ҳам хуш ёқса керак.

Бахтимизга бувимизнинг умрини ҳам қўшиб, узоқ яшаб юринг бобоҷон! Биз ҳам сизлар каби меҳнатсевар инсон булатмиз. Билимимиз, илмимиз билан юртимизни қудратини орттиришга ҳисса қўшамиз.

**Камола ШЕРАЛИЕВА,  
Темур ШЕРМАТОВ,  
Тошкент вилояти, Чиноз  
туманидаги Турсуной  
Охунова  
номли мактаб  
ўқувчилари**



Утган куни Тошкентдаги Модалар уйида «Республика»да уқувчилар мактаб кийимини жорий этиши» тақдимоти бўлиб утди. Унда турли вилоятлардан келган маорифимиз жонкуяр-



лари уқувчилар либосининг турича шакларини талабчан вазирлик раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари олдилада намойиш килидилар.

Дарҳақиқат, уқувчилар кийими қандай бўлиши керак?



лик замонидаги қотиб қолган андозага асос солади, дейишади. Мисолни олис дунёдаги энг ривожланган мамлакат — Америка Қўшима Штатларидан қидиришади. Эмишки, АҚШда уқувчи хоҳлаган кийимини кийиб келади. Уқитувчи олдилада ҳам хоҳлаган тарзда — истаса стулда, кўнгли тортса оёқларини чалишириб маъруза тинглади. Муҳими, сабоқ ва унинг сифати, дейишади америкаликлар. Бир қарашда бу фикра

## Директор ташвишлари

қандай ҳал этса булади? Ҳақиқатан ҳам уқитувчилар озми-еки?...

— Уқитувчилар, менимча, старли, аммо имига амал қўймайдиганлари ҳам талайтина. Уқув масканларини юксалириш керак, уқитувчи обруйини қадрлироқ поганага кутариш лозим. Кўплаф муаллимларни ишга таклиф қилишга ҳаракат қўйганиман. Улар: «Мактаб менга нима беради?» дей лол қолдиришган. Шундан ҳам мактаб раҳбари сифатида ҳали ожиз эканлигини тушибин етганмади.

— Сиз фахрланиб ўрганингиз — Бурхонодай уқитувчилар бизнинг сафимизда ҳам саноқли. Уларнинг аксарияти кекса уқитувчилар. Бир кун келиб улар ҳам дарсни ташлаб кетгудек бўлса, мактабимизнинг бир томони «туп» этиб упирлишидан қўрқаман.

— Демак, сиз ҳам сезган экансида?

— Нафақат сезганман, балки бу түргида жуда күп қотирганиман ҳам. Ён-ёш уқитувчилар дипломини қултиқлаб келишади. Дарста қўяман, хаеф-фикри бозорда юради.

— Уқитувчилар етишмаслиги ҳам бўлиб турадими?

— Жуда күп. Ана шундай пайтда бир-бирига қариндош фанлар муаллимларига мурожаат қилишга тугри келади. Масалан тарих уқитувчиси вақтинча бўлсин география фанини ҳам қўшиб олиб боради. Баъзан уқитувчиларнинг ҳоҳишига бўйиницига мажбур бўламан. Улар кўпроқ шарт қўйишинади. Мана шундай бўлмаса, мен дарс уқитмайман. Мисол учун шу кунларда мактабимизда иккита физик бўлишига қарамай, астрономия фани уқитилмайди.

— Сизнингча бу муаммони

нафар уқувчи таълим олмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки шаҳар ахолисининг бизнинг мавзейимизга кучиши йилдан йилга кўпаймоқда Ен-атрофимизда кўп қаватли турар жой бинодарининг қурилаётганилиги ҳам шундан да-лолатdir. Умуман олганда бизга қушимча бино зарур. Биринчи лойиҳада турт қаватли курсатилган қушимча бино кейин уч қават, мана ҳозир иккиси қаватли 600 ўринли лойиҳа асосига туширилди, лекин шу ҳам битмай етибди. Жуда күп юргурдим. Ҳамма ерда маблагни руқа қилишмоқда.

— Мактабни кўллаб қувватловчилар топилиб турадими?

— Ҳа, албатта. Инсонийликдан ёрдам қулини чузадиганлар талайтина. Айтайлик, шаҳримиздаги таксимотор парки мактабимизга хомий сифатида ҳар йили биноимизни таъмирлаш учун ёрдам қиласди. Қолаверса, бу йил ҳокимнинг қарори билан қаршилизмаги иккиси гектарлик борғни мактабники қилиб олдик. Энг муҳими бир ойда бир марта уқувчиларимизнинг ота-оналари йигилиб туршилади. Мен уларга камчиликларимиз, бизни қийнаётган муаммоларни рўйи-рост айтаман. Барақа топишсан. Кўлларидан келган ердамни аяпмаянти.

— МАқулбек ака, мактабимизда иккита физик бўлишига қарамай, астрономия фани уқитилмайди.

— Мақсал нима эди? Ҳоналар етишмайдими?

— 800 ўринли мактабда 965

жон борга уҳшайди. Лекин Ўзбекистон Амиқо эмас, деган фикр борки, унда ҳам жон бор. Негаки, Шарқ доим эркинликдан одоб-ахлоқ мезонини устун қўйган. Кийинишдаги пала-партиш эркинликдан кура,

## МАКТАБ ЛИБОСИ

маълум бир қолицдаги «тутқунлик»дан жозиба топган. Шу жиҳатдан уқувчиларнинг яхлит,

## ҚАНДАЙ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

ягона мактаб либосини қабул қилиш вақт, замон, миллӣ ўзиға хослигимиз тақозо эттанига анча бўлди.

Қолаверса, 74 йиллик шуро тузуми тарихимизда шартли, мажбурий, юзаки тенглилик принципи одамлар онгига сингдириб юборилди, ҳали унинг асоратидан қутулиш учун



андозадан чиқарилмаган ҳолда) пайти ҳали етилмаган.

Айтайлик, бир уқувчи отонасининг даромадидан келиб чиқиб, қумматбаҳо кийимлар кийиб келса, камхаржроқ оиласда ўғсан уқувчи буни табиий ҳол деб тушуниши, ва уз кийимнинг «мундайроқ» эканидан изтиробга тушмаслиги учун боя

дозага солинида мантиқ бор. Туғри, бу борада ҳам «жилов»ни илгаригидек маҳкам тутиш йўқ.

Ҳар бир вилоят ўз иқлими, урфодатидан келиб чиқиб, уз худудида ягона кийимни қабул қилиш эркинлигига йўл қўйилалигана уҳшайди.

Хуллас, мунозара этади давом.

**Бахти ЁР**



## Кўнғироқ

мен жуда кўп мактабларда буляпман-у, уз хотиралиримга уҳшаш воқеалар устидан чиқмаётбман. Ҳусусан, сизнинг мактабингизда ҳам.

— Туғри, уйлаб курсам камчиликларимиз кўп экан. Ҳақиқатан уқувчининг китобга бўлган қизиқишини оширишнинг йуллари талайтина.

— Обуначиларингиз хақида ҳам...

— Гапнинг рости, мактаб раҳбари сифатида мен узим уятлиман. Чунки «Тонг юлдузига» меннинг ҳам назарим кам тушган. Бундан иккиси кунлар олдин радионинг «Келажак тонг»ги эшитиришини тинглаб утирганимда газетангизнинг шархини уқиб қолишиди. Шундан сунг унинг 78-сонини бир уқувчи кумагида килириб топдим. Турсинчи саҳифасида ўлон қилинган конкурс мени ҳам қизиқтириб қолди. Атчадан бери уғлим велосипед олиб беринг леб ҳарҳаша қиласди. Мен унга газета шархларини ҳавола қила туриб — «Агар шуларни тўғри еча олсанг велосипед ўз оёғи билан уйимизга кириб келади», — дедим. Хуллас, янги йил обунаси бошлини арафасида бизнинг уқувчилар ҳам юз фойз обуна булишиди леб умид қиласман.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

**САЙИД ОЛИМ**

Лицейимизда ўз-ўзини бошқариш куни ўтказдик. Уқитувчилар уқувчи, биз эса уқитувчи. Уқитувчиларимизга дарс ўтдик ва уларни... баҳоладик. Бутун лицей миқёсида энг талабчан, энг шириңсүз, энг тадбиркор уқитувчилар тест орқали аниқланди.

Энг тадбиркор — иқ-

# ЎҚИТУВЧИЛАР ЎҚУВЧИ БЎЛГАН КУН

тисод уқитувчиси Гузал опа.

Энг шириңсүз — биология уқитувчиси Ҳалима опа.

Энг талабчан — алгебра уқитувчиси Мухтабар опа.

Уқитувчилардан уюшган 1-«А» синфдаги «ўқувчилар» ичидаги энг аълочиши тарих уқитувчимиз булдилар.

Дарс ўтиш жараённада биз уқитувчиларга қанчалик оғир эканини ту-

шундик. Уша куни мен уқитувчилар бизга «2» баҳо қўяётганларида «мазза қилишларини» эмас, балки биздан-да кўпроқ хафа булишларини тушундим. Улар бизга яхши баҳо қўйишни худди

## Менинг мактабим

биз каби исташади. Фақат биздан озгина характер ва истак зарурдир. Яна шуни тушундимки, уқувчилар уқитувчининг фарзандидек булиб қолар экан.

**Иродда  
АСИЛБЕКОВА,  
Тошкентдаги  
нафис санъат  
лицеи уқувчиси**

## Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига қутлуг тўйга ҳозирлик

Қадимиш шаҳарларимиз — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилейи тантаналарига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Амалга оширилаётган маданий маърифий, қурилиш ва обondonлаштириш ишлари, тарихий обидаларни таъминалаш ниҳоясига етказилмоқда. Куни кечаки Хива, Бухоро шаҳарларида тўйга ҳозирликнинг биғиши хусусида республика ташкилий қўмиталарининг йигилиши булиб ўтди. Ҳар иккى мажлисда барча ишлар кўзда тутилган режа асосида бажарилаётгани қайд этилиб, тайёргарликни ниҳоясига етказиш борасида мустасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.



## НУРОНИЙ ДУНЁ

Айни кунуртанинг тик қўёшида  
Ярақлаб турганда гумбазлар

нилий —  
Юракнинг нақшилар, ақлнинг  
курки,

Сайёҳ қолмай дунёнинг у бошида  
Келар, юракларда нияти олий!

Дустлар, пирлар бўлур сиз

учун мадад.

Бунда Пир Дастир, Абу

Ҳафс Кабир,

Бунда Турки Жанди, бунда

Порадуз,

Магоки Атторидан чиқкан

кучоқ нур

Кеча осмонини айлайди кундуз!

Севинг, ҳайратланинг, билинг,

Бухоро —

Ажаб мӯъжизаси курку

зийнатнинг.

Кунгилга кучади салобат, ўй, роз...

ҳар пир

Бунда мадрасалар тикланибди,

Порлок иқболидир

инсониятнинг!

Яхё ВАХОБОВ,

нафақадаги муаллим

## КАПТАРБОЗЛИК ҲУНАРМИ?

тутиб уларнинг қайси лицей ёки мактабда уқишиларини билиб олмоқчи эдим. Лекин...

— Кечакорга чиқиб арzonга тўртта капитар олиб келдим. Энди бир-иккى кун яхшилаб боқиб, кейинги бозор куни қимматроққа сотмоқчиман, — деди биринчи бола шеригига.

— Уйимиз томига қопқон кўйган эдим. Илинмади. Кечгача овора бўлдим.

— Тутишни билмабсан. Шоколадни майдалаб, еки булмаса зира сепиб қўйганингда ҳидига дарров илинарди, — деда узаро сирлари билан ўртоқлашиши ҳам.

Болаларнинг яни бирининг уртоғиникидан зур капитарни билдиримай олиб келганини уялмай гапириб бе-

### Мунозара

йук.

Хуш! Каптарбозликнинг нимаси ёмон, деб ўйлашингиз мумкин. Йук, аксинча, яхши. Фақат капитар сотишнинг эмас, боқишининг йули бошқа. Лекин бу болаларнинг машгулоти бирорнинг мулки булган капитарини қандай

қилиб «илинтириш», демакки ўғирланан нарсани сотиб фойда куриш.

Шу ерга келганда бир оз чекиниши қилиб, бир ривоятнинг қисқача мазмунини келтирсан, гапнинг нимадалиги келиб чиқади.

Қадимда ўғирларни ҳалқ уртасида жазолашарди. Бир ўғрини дор тагига олиб келиб: «Сунгти тилагингни айт. Бажарамиз», — дейишибди.

Уғри онасини чақиришларини сурабди. Айтганини қилиб онасини келтиришибди. Ҳамманинг кузи уларда. Ҳозир ўғри йигит ўзини онанинг багрига отиб, у билан видолашади, деган ҳаёлда эди. Лекин она яқинлашганда ўғли, «Онажон, тилингизни чи-

қаринг», деб онасининг тилини тишлаб узиб олади. Бу билан у ўзининг ўғри булишига онаси айбордорлигини билдиради.

Қиссадан ҳисса шуки, агар она ўғлининг нима билан машгул эканлигини, топаётган пулнинг қасрдан келаетганлигини суриштирганда фарзандини дор тагида курмас эди.

Бу ўсмир болалар ҳам капитар сотиб пул топаётганларидан ота-оналарининг хабари бормикан? Булса, нима чора куришаркин, деган фикр кунглимдан ўтди. Үқишига бормай, қуш бозорларида турли күшларни томоша қилиб, уларнинг нархи билан қизиқиб, ўйга: «Мактабдан келяпмиз», — деб катталарни чалғитишармикан. Тагин билмадим...

**Махмуда ХАЙДАРОВА**

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Қосимжон ҳатто қайси тұмачани босса, уй эпитети очилишини билмасди, жияни үргатди. Үтирган столи қайси мұрвати буралса диванта айланыб қолишига ақынды, Акромжон күрсатди. Ҳовлиға тушиш учун қайси лифтта чиқишини билолмай ҳайрон булади, шунда жияни дарров өрдама келарди.

Бир ҳафта утиши билан у үзини-үзи әплайдиган, синглисинг оиласидагилар ишлатаудан түрли мосламалар билан мұомала қылады. Бир қылыштың үзілесінде қалыптасып, Акромжон күрсатди. Ҳовлиға тушиш учун қайси лифтта чиқишини билолмай ҳайрон булади, шунда жияни дарров өрдама келарди.

Косимжон тез күнде машхур булып кетди. Газета, журналдарда фотосуратлари чиқди. У қаңда мақолалар өзилди. Телевизорда чиқып гапиди. Ҳатто Дилфуз билен Салимлардан хат ҳам олди. Улар уни «үйгөнгөн» билан табриклишибди. Иккаласи ҳам «яқин күнде күршамаиз», — деб өзини шыбыди.

Бүшінде үткелерде Акром билан сингил автомойнда шаҳар айланади. Осмон үшар имораттарни-ю, ер ости йүлларини, бири биридан гүзәл саройларни күрди. Космодромга ҳам боришиди.

— Ана у ердан Марсга раке-

талар учади, — деб күрсатди Акром, — яқында мен ҳам Марсга! дадамнинг олдига учаман.

— Йүг-э, сен ҳали кичкинасан-ку, — әзтиroz билдири Қосимжон, — яна космонавт эмассан.

рида экан.

— Ҳар бир уйнинг, ҳар бир қаватида бизникең мактаб бор, — түшүнтириди Акром, — түгрида, узи бир қаватнинг гүзи-

та, — деди Акром.

Қосимжон өзүв столи устида түрган жажжи телевизор, митти магнитофонни күриб, слекасини қисиб қўйди-да, сўради:

— Жиян, дарс утасизларми ёки телевизор күриб, магнитофон эшитасизларми?

Акром хоҳолаб кулиб юборди. Лекин тогасининг хафа бўлганини сезиб түшүнтира бошлиди.

— Йўқ тога, бу бизнинг уқув куролларимиз. Үқитувчимиз дарс утасизларидаги магнитофонга өзиб оламиз. Уйда дарс тайёрлаганимизда қўйиб эшитамиз. Уқув телевизоримиз ҳам жуда ажойиб. Масалан, география дарсида қайси мамлакат ҳақида гап юритилса, унда уша мамлакат кўринади...

Улар бошқа хоналарга ҳам киришди.

Иссиқхонасида ер юзидағи үсимликларнинг деярли ҳаммаси үсиси өтган ботаника залида ҳам, Қосимжонга нотаниш ассобларга тута киме кабинетида ҳам бўлишиди.

Лекин ҳаммасидан ҳам спорт залида булишганида Қосимжон қойил қолди.

— Майдонимиз зўр-а, тога? — деб сўради Акром, — хоҳласак бу ерда хоккей ҳам уйнашимиз мумкин. Махсус мослама бир зумда музмайдонини тайёрлаб беради. У шунчалик ақлидик, бир зумда шу футбол майдо-

ни баскетбол майдончасига ҳам айлантириб қўя қолади. Тутмачани босиб қўйсак бас.

\* \* \*

Эртаси куни Қосимжонниң ёғлигиз үзи уйда қолди. Акром уқишига кетди, синглиси Дилдорани эса ишхонасидан чақиришиби. Аввалига бир оз китоб уқиди, кейин зерикиб кетди. Ҳали унинг мактабга бориб уқиши ҳам, бир жойда ишлаши ҳам номаълум эди. Шифокорлар «дам оласиз» дейишган эди холос.

У сув ости шаҳарчаси ҳақида эшитган бўлса ҳамки, лекин үзи сув остига тушмаган, шаҳарчани кўрмаган эди. Акром кечга «бүшінде көнгөн» дегунча олиб бораман», — деб вайда берган эди.

У «қачонгача Акром менга энагалик қиласи», деган хаёлга бориб, йулга үзи отланди. Лифтдан пастга тушиб, қаторлашиб түрган машиналардан бирига кириб үтирган. Машинани бошқариши, агар бирор ҳодиса юз бергандай бўлса, қизил тутмачани босиц кераклигини Акром тогасига түшүнтириб қўйган эди.

Қосимжон машина ўринидига ётган микрофонни кутарди-ю, паст овозда:

— Сув ости шаҳрига, — деди. Машина йўлга тушди. Йулда эса...

(Давоми бор)



— Сизни қаранг-у, шуниям билмайсизми, ҳозир ҳар ким ҳоҳлаган планетасига учиб, бориб келаверади. Космонавт булиши шартмас. Мана, менинг үзим үттан ийли Ойга бориб келдим-у...

Акром тогасини үзи үқийдиган мактабга ҳам олиб борди. Мактаблари узоқ эмас, узлари яшайдиган 39-қаватнинг охи-

да 800—900 уқувчи яшайди. Қосимжон ичида «үху» деб қўйди.

— Мана мен шу синфда уқийман, — деди Акром каттакон ёрғу хонага киргач. Қосимжон разм солди. Алоҳида-алоҳида партага үхшаб кетадиган уриндиқ, өзүв столи.

— Ҳар бир уқувчи учун битта уриндиқ, өзүв столи ҳам бит-

та уриндиқ, өзүв столи ҳам бит-

## «ОЙНАИ ЖАҲОН» — БОЛАЛАРГА

Азиз болалар, сиз Ўзбекистон телевидениеси орқали 6—12 оқтабр күнлари қўйидаги курслатувларни куришингиз мумкин.

**Душанба — 6 оқтабрь**

ЎзТВ-І дастури орқали:  
9.00. Болалар учун «Омад» курслатувда болалар иштирокида уй юмушлари, санъатнинг бир қатор турлари бўйича оливай беллашувлар ўтказилади.

10.30. ЎзТВ хазинасидан «Билимдон музажим» телеспектакли намойиш этилади.

20.10. «Оқшом эртаклари» курслатувда болалар учун ажойиб эртак ва мультфильмлар намойиш этилади.

ЎзТВ-ІІ дастур:  
18.20. «Ерлітош» мультфильми.

19.55. «Табиат дунёси».

ЎзТВ-ІV дастур:

18.45. «Мульткарусель».

**Сешанба 7-октабрь**

ЎзТВ-І дастури:  
9.50. «Чумчук» мультфильми.

10.25. Табиат.

11.00. Инглиз тили.

11.30. Адабиёт.

18.10. «Топилмалар идораси», мультфильм.

2.10. «Оқшом эртаклари».

ЎзТВ-ІІ дастур:

18.20. «Ерлітош».

19.55. «Табиат дунёси».

ЎзТВ-ІV дастур:

18.50. «Мульткарусель».

**Чоршанба — 8 октабрь**

ЎзТВ-І дастури:

10.30. Она тили..

11.00 Янги алифбони ўрганимиз.

11.30. Математика.

14.05. «Шаҳризоданинг янги эртаклари».

18.10. «Кўнғироқча». Курслатувда бояғча тарбияланувчилари ҳақида лавҳалар ва кичконтойлар учун концерт дастури намойиш этилади.

ЎзТВ-ІІ дастур:

18.20. «Ерлітош».

ЎзТВ-ІV дастур:

18.45. «Мульткарусель».

20.10. «Дунё ва болалар».

**Пайшанба — 9 октабрь**

9.05. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

10.30. Ботаника.

11.00. Алифбо сабоқлари.

11.30. Умумий биология.

12.55. «Шаҳризоданинг янги эртаклари».

18.10. «Кудуқ» мультфильми.

20.10. «Оқшом эртаклари».

ЎзТВ-ІІ дастури:

9.00. Мультпанорама.

18.15. «Эркатой».

ЎзТВ-ІV дастури:

18.45. Мульткарусель.

**Жума 10 октабрь**

ЎзТВ-І дастури:

10.30. Физика.

11.00. Немис тили.

11.30. «Кичконтой» устахонаси.

12.10. «Шаҳризоданинг сўнгти туни».

20.10. «Оқшом эртаклари».

ЎзТВ-ІІ дастури:

9.00. «Эркатой».

18.20. Яна болалар ҳақида.

ЎзТВ-ІV дастури:

18.45. Мульткарусель.

19.30. «Умид чечаклари».

**Шанба 11 октабрь**

ЎзТВ-І дастури:

18.00. «Кундуз амакининг қиссалари» мультфильм.

18.30. «Фарзанд — умид юлдизи». Курслатуда ота-оналарининг касб-хунарларини давон эттирайтган иқтидорли ўсмиirlар ҳақида лавҳалар намойиш этилади.

ЎзТВ-ІІ дастури:

9.00. Боланинг тили.

18.20. Мультпанорама.

18.40. «Хайвонот дунёси».

ЎзТВ-ІV дастури:

9.55. «Эртакларнинг сехрли олами».

16.25. «Мультэкран».

11.25. «Маҳалламиз болалари». Курслатуда Сирдарё вилоятини Оқолтун туманинг Чинобод ва Хўжаобод маҳалла болалари ўртасида беълашув бўлади.

18.45. Мультолам.

19.50. «Оқшом эртаклари».

ЎзТВ-ІІ дастури:

9.00. Яна болалар ҳақида.

18.20. Боланинг тили.

ЎзТВ-ІV дастури:

9.25. Шанба эртаги.